





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON
VILOYATI
HOKIMLIGI**

ANDIJON MASHINASOZLIK INSTITUTI



**XXI ASR ILM-FANI VA TA'LIM SOHASIDA AYOLLAR:
YUTUQLAR VA MUAMMOLAR**

**WOMEN IN SCIENCE AND EDUCATION OF THE 21ST
CENTURY: ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS**

ILMIY AMALIY KONFERENSIYA



**ANDIJON VILOYATI
HOKIMLIGI**



**ANDIJON MASHINASOZLIK
INSTITUTI**

yoshlarning mafkuraviy hayotiga avvalo oila, mahalla, ta'lim muassasalari va jamoatchilik birdek javobgar ekanliklarini unutmasligimiz kerak.

Avvalo, milliy g'oyani yoshlarimiz ongiga singdirish oiladan boshlanadi. Ota-ona farzandlariga tarbiya berganda o'zlarining turmush tajribasi, jamiyat ijtimoiy hayotida yaratilgan imkoniyat va mavjud tajribalarga tayanmog'i kerak. Yoshlarimiz bobolarimizning o'g'itlar, otaning shaxsiy ibrati, onaning mehri orqali milliy g'oya avloddan avlodga, insondan insonga o'tadi va yoshlar ongiga ta'sir etib boradi.

Ota-onaning mafkuraviy tarbiyadagi faoliyati va ishtirokining muvaffaqiyatli kechishi, O'zbekistonimizning taraqqiyoti uchun bilim va iqtidorini ayamaydigan yoshlarni tarbiyalashda alohida ahamiyat kasb etadi.

Farzandlaringizga bir ko'z bilan qarangiz, kattasini katta, kichigini kichik deb, shunga yarasha ish tutsangiz, kichiklarning kattalari bilan maslahatlashib ish tutishlariga, kattalarining kichiklarini izzat qilishga, ularni himoya qilishga odatlantirsangiz, ularni yaxshi ishlarini ma'qullab, rag'batlantirib borsangiz, yomon ishlarini o'z vaqtida qaytarib, bu ishning nima uchun yomonligini yotig'i bilan tushuntirib borsangiz, farzandlaringizning kamoli, o'zingizning kelajakdagi rohat-farogatingiz uchun juda muhim va katta tarbiyaviy ishni amalga oshirgan bo'lasiz. Ulardagi mehr-oqibatni, obro'larini ko'rib, o'z hayotingizdan mamnun bo'lasiz, farzandlaringiz tarbiyasi borasidagi chekkan zaxmatlaringiz, mashaqqatlaringiz unutiladi.

Buning uchun ayoldan yuksak mehr va tadbirkorlik shijoati talab etiladi.

Demak, mafkuraviy immunitetni shakllantirish muayyan vaziyatda insonning o'zi, xalqi, Vatani manfaatlari birligidan kelib chiqib, yot g'oyalarga qarshi tura olish malakalaridir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. М.Муталипова «Хорижий таълим тизими» Тошкент, 2017
2. "Pedagogika" ilmiy-nazariy va metodik jurnal TDPU 2018/4

ЁШЛАРНИНГ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Пулатова Одинахон Хамидовна-
Андижон машинасозлик институти,
“Гуманитар фанлар” кафедраси доценти**

Соғлом фикр юритувчи ва маънавий жихатдан мукаммал, ақлан етук, фикран теран, ривожланган шахсни тарбиялаш таълимда ёш хусусиятларига эътиборли бўлиш, ўқитишда таълимнинг барча бўғинлараро алоқадорлигини таъмин этиш ва шахс онги ва тафаккурида янгича ғоя, тасаввурларни шаклланишига имкон берувчи замонавий фаол усуллардан фойдаланишни талаб этади. Олий таълимдаги ижтимоий, гуманитар фанлар доирасида таълимни ноанъанавий усуллари кўлланилиши талаба ёшларни ижодий тафаккурини шаклланишида, мулоқот имконини кенгайтишида, воқеа-ходисаларга нисбатан баҳолашлари ва қарашларини шаклланишида ва яна шунингдек, дарс жараёнида вужудга келган қизғин мунозара ва мантикий ечимларни бевосита иштирокчиси сифатида ўз фаолиятдан психологик қониқиш ҳиссини вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга.

Бўлажак мутахассисларда мулоқот маданиятини шакллантиришда ўқитувчи масъул ҳисобланади. Уни камол топишида ўқитувчининг дунёкараши онги, маданияти, мулоқоти белгилувчи воситалар саналади.

Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда ўқитувчининг мулоқоти катта роль ўйнайди. Шунинг учун унинг нутқи ҳамма вақт гоёвий юксак, раvon, юмшок, дилкаш бўлиши лозим. Мулоқотда ва ишда субутсизлик ўқитувчи учун нолайикдир. Хар бир мулоқот болаларнинг ёш хусусиятларини, билими ва тушунчасини назарда тутиб тузилиши шарт. Шу билан бирга ўқитувчининг мулоқоти ёш авлод кўз олдида уни ўраб олган моддий ва

маънавий дунёнинг янги қирраларини очиб беришни мақсад қилиб қўяди. Ўқитувчининг мулоқоти таълим ва тарбия беришнинг асосидир[1].

Ўқитувчининг мулоқоти имкони борича синтактик жихатдан содда, жозибадор, таъсирчан тузилиши лозим. Ҳар қандай билим ва тарбия, асосан ўқитувчининг дарс ҳамда дарсдан ташқари кундалик мулоқоти орқали бериб борилади. Мулоқотда, у қандай шаклда бўлмасин, бизнинг қадриятларимиз қаттиқ ҳурмат қилиниши лозим[2].

Педагогик нутқий мулоқотнинг ўзига хослиги ўқитувчининг ҳамма ерда, ҳар қандай шароитда ҳам тарбиячи эканлиги билан характерланади. Педагог ўз тарбияланувчилари билан кўпроқ аудиторияда, дарсда нутқий мулоқотда бўлади. Унинг мулоқоти илмий педагогик мазмун касб этади. Бундай мулоқотда илмнинг турли соҳаларига оид қоидалар, атамалар, хулосалар акс этади. Бундай мулоқотда ҳар бир нарсга ўз ўрнида, меъёрида бўлади. Атамаларга, янги сўзларга берилган изоҳлар содда, ўқувчи хазм қиладиган синтактик қурилмаларда берилади. Қоида ва назариялар ҳаётий, ўқувчига яқин мисоллар билан таништирилади.

Маълумки, мулоқот оғзаки ва ёзма шаклларга эга. Оғзаки мулоқот сўзловчи гапириб турган вақт бирлигидагина мавжуд бўлиб, бу жараён тугаши билан мулоқот ҳам тугайди. Аммо мулоқот таъсирида уйғонган ҳаяжон, берилган ахборот маълум вақтгача тингловчи онгида сақланиши, унинг хулқига таъсир этиши мумкин.

Оғзаки мулоқот хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатса бўлади:

1. Оғзаки мулоқот тезкорлик билан амалга ошади. Тушунчалар билан “унинг либоси” бўлган сўз биргаликда “яшин тезлигида” тилга кела бошлайди. Баъзан тушунчани ифодаловчи сўзни ўша тезликда сўзловчи топа олмай қолади. Унга яқин ёки ўйланган тушунчани ифодалай олмайдиган сўзларни ишлатиб юборади. Бундан тингловчи ҳам, сўзловчи ҳам зарар кўради.

2. Оғзаки мулоқотда сўз бирикмалари ва гапларнинг моделлари айтилмокчи бўлган фикрга монанд ҳолда тезкорлик билан танланади. Гап қурилишини, моделларини ақл назорат қилиб боради. Фикрни айтилганларни хотирада ушлаб турган ҳолда ривожлантиришга тўғри келади.

Агар хотира озгина “дангасалик ” қилса, гап тузилиши, сўз бирикмалари ўзаро мантиқан ва грамматик боғланмай қолади. Чунки, янги қисм аввалги қисм унутилгани учун у билан мослаша олмайди.

3. Оғзаки мулоқот таҳрир имкониятидан маҳрум. У қандай шаклда борлиққа келган бўлса, шундайлигича тингловчига тақдим қилинади.

4. Оғзаки мулоқотда, одатда, мулоқот учун энг зарур нарсаларгина талаб этилади. Бу бир томондан вақт иқтисоди билан, иккинчидан, мулоқот кучини тежаш билан боғлиқ. Шунга кўра, унда узундан узоқ кириш, кенг изоҳлар кам учрайди.

Аксинча, ходисаларнинг, нарсаларнинг ўзаро боғлиқлик даражалари, уларнинг тингловчи ва сўзловчига равшанлиги даражаси ҳисобга олинади. Фақат зарурият ҳис этилгандигина аввалдан маълум нарсаларга изоҳ берилади.

5. Оғзаки мулоқот сўз бойлиги жихатидан ёзма мулоқотка нисбатан анча камбағал бўлади, унда бир хил сўзлар, бир қадар кўпроқ такрорланади. Бу ҳол тил воситаларини танлаш қийинчиликлари билан боғлиқдир.

6. Оғзаки мулоқотда сўзловчининг фаол мулоқотий ҳаракати тўхтам, оҳанг, урғу, турли хил имо-ишоралар фикрнинг тингловчига етиб боришида аҳамият касб этади.

Ёзма мулоқот оғзаки мулоқотдан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради: мулоқотни ёзаётганда муаллиф вақт жихатидан бемалол фикрлаш имкониятига эга бўлади. У ўз мулоқоти қисмларини ва бутун мулоқотни қайта-қайта таҳрир қилиши, фикр учун энг мос имкониятларни танлаш, гап тузилишини кучайтириши мумкин.

Тил бойликларидан ҳар ким ўзича фойдаланиб сўзлайди. Бир тур сўзлар ва тилга тегишли бошқа белгилар бир мулоқотда кўпроқ ишлатилгани ҳолда бошқа мулоқотда учрамайди. Бошқа бир мулоқот ўзининг сўз бойлиги ва гапларнинг турилиши, оҳанги билан учинчи бир мулоқотдан ажралиб туради. Тил бойликларини танлаб ишлатишга қараб

мулоқот кўринишлари бир неча турга ажралади. Ана шу хилма хиллик мулоқот услублари деб аталади. Мулоқот услублари алоқанинг мақсадига мувофиқ амалга ошириш йўлида сўзловчининг тил бойликларидан танлаб фойдаланиши туфайли мулоқотнинг тарихан шаклланиши кўринишидир.

Тарихий ёки бошқа ҳар хил далилларни мулоқотга киритиб, мантикий умумлашмалар чиқариш ёки бу ишни тингловчига ҳавола этиш, фойдаланиш шахс ёки ҳодисалар устидан киноя, кесатик, пичинг ҳамда кочириқлар қилиш, риторик, сўроқ гаплардан фойдаланиш публицистик мулоқотни жонли, таъсирчан, ҳаяжонли қилади[3]. Шунинг айтиши керакки, ҳар бир публицистик мулоқот албатта шулардангина иборат бўлади, деган гап эмас. Публицистик мулоқотда муаллиф воқеаларга нисбатан фаол муносабатда бўлади.

Унинг ҳаётига, воқеаларга бўлган бундай муносабати далилларни танлашда, уларни таҳлил қилишда, тилнинг эмоционал - экспрессив воситаларини тасарруф этишда кўринади.

Публицистик мулоқотда образлилик катта эътибор берилади. Тилнинг тасвирий воситаларидан кенг фойдаланилади. Тил воситаларини танлаш мантикийлик ва эмоционаллик талабига қараб амалга оширилади.

Бадиий услуб мулоқотнинг бошқа услубларидан дастлаб ўзининг образлилиги ва эстетик таъсир этиш вазифаси билан ажралиб туради. Бадиий мулоқотда тил лексикасининг ҳамма қатламлари иштирок этади. Чунки юқорида зикр этилган услублар ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасини ифодаласа, бадиий услуб инсон фаолиятининг барча қирраларини ўзида акс эттиради, ҳаммага тааллуқли бўлади.

Унда турли касб-кор, фан-техника, халқнинг маиший ҳаётига тегишли ранг-баранг сўзлар қўлланилади. Бу услубда тил воситалари образлар ва манзаралар яратади, кишиларга эстетик озиқ бериш учун хизмат қилади.

Бадиий услуб учун шахсий образли сўз ишлатиш характерлидир. Ҳар бир муаллиф ўзига хос сўз ишлатиш усуллари билан фойдаланади. Бу билан ўзига хосликка асарнинг ўқимишли бўлишини таъминлашга интилади. Бадиий мулоқот ҳамма нарсанинг янги, охори тўқилмаган, бошқалар ишлатмаган бўлишлигини хоҳлайди. Шу туфайли шоир ва адиблар ҳаммага маълум тил воситаларидан ўзигагина хос усулда фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Шахсий образлилик публицистик услубга ҳам хосдир. Образлилик сўзлашув услубида ҳам бўлади. Лекин улар кўпчилик томонидан кўп мартаба ишлатилган, “қотиб қолган”, “қолиплаган” ҳолда амал қилган бадиий услубда образлилик янги, ширатор бўлади[4].

Талабада мулоқот маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик усуллари билан ўринли ва самарали фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ бўлади. Ўқитувчида нутқ маҳорати қанчалик шаклланиб бўлса, талабалар нутқини шаклланишига шунчалик даражада талабалар қўя олади-ки, бу вазифаларнинг инъикоси сифатида келажакда талабаларнинг ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши билан биргаликда, мулоқотга киришувчан, мустақил ва эркин фикрловчи шахс ҳамда ўз нуқтаи назарига эга фуқаро бўлиб етишишида кўринади.

Зеро, қанчалик таълим жараёнидаги берилаётган янги маълумотлар талабадаги мавжуд тасаввурлар ва тажрибаларга уйғунлашган бўлса, уни идрок этиш, билиш жараёнлари орқали таҳлил қилиш ва баҳолаш фаоллашади. 1-2-курс талабаларида абстракт тафаккур, мантикий фикрлаш, танқидий баҳолаш, қиёслаб таҳлил қилиш имконини янада такомиллаштиришда «Муаммоли ўқитиш», «Ақлий ҳужум», «Индивидуал ўқитиш» каби турли субъектив фаолликни талаб этувчи усуллар орқали таълимни ташкил этилиши юқори самарали аҳамиятга эга. Шунингдек, таълимни энг сўнгги интернет хабарларидан фойдаланилган ва турли слайдлар кўринишида ташкил этилиши талабаларда ижодий тафаккурни, ички фаолликни, эркин мулоқотга киришиш, ўз ҳулқини бошқариш имконини шакллантирибгина қолмай, мулоқот маданияти ва савиясини ўзлаштиришига кучли таъсир кўрсатади. Шахс маънавияти, руҳий олами кўринишлари унинг мулоқоти орқали намоён бўлади. Сир эмаски, бугунги кунда ёшларни мулоқот савияси, маданияти, мулоқот орқали

ҳиссий ҳолатларини баён эта олиш имкониятида қўпол нуқсонлар кўзга ташланади. Бу муаммо ечими эса уларни таълим жараёнида ўз устида ишлашларини ташкил этиш, ўзга шахсларни ва ўзини ўзгалар қарашлари (рефлексия) билан баҳолай олишларини юзага келтириш орқали ҳал этиш мумкин. Бу эса кенг дунёқарашни, бой маълумотлар захирасини, турли ахборотлар тизимидан фойдалана олишларини тақозо этади. Бундан ташқари таълимда индивидуал хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ва ички имкониятларга кўра турли усулларни қўлланилиши, талабаларни турли вазиятларда фаоллик кўрсатишларини талаб этилиши улардаги очилмай қолган имкониятларни, забт этилмаган янги қирраларни кашф этилишига туртки бўлади.

Мана шундай шахс билиш жараёнларини ўзаро уйғунлигини, ва фаоллигини талаб этадиган усуллардан бири бўлган «Ақлий хужум» усули мантиқий фикрлашни, хотира, диққат, идрок, ҳаёл, нутқ жараёнлари узвийлигини, тафаккур тезлиги ва нутқий маҳоратни мукаммал даражасини намоён этишни талаб қилади. Бундан ташқари ҳал этилаётган муаммо ечимига қадар турли ёндошишлар, таърифлар кенг қамровли фикр юритишга, ўз ақлий салоҳиятини қай даражада эканлигини баҳолай олишга шароит яратади. Психологик нуқтаи назардан, шахс ўз қобилиятлари ва имконларини қай даражада адекват баҳолай олиши уни жамиятда фаоллик кўрсатишига, шахслараро муносабатлар тизимига осон кириша олишига, ички салоҳиятидан оқилона, самарали фойдалана олишига замин яратади. Бундан ташқари бир хилликка йўғрилган таълим мазмуни шахс хотирасида кам қўзғолишлар ҳосил қилади, тасаввурлар тизимида ассоциатив боғланишлар узвийлиги фаол бўлмайди. Таълимдаги маълумотлар тизими қанчалик янги бўлиб, инновацион технологиялар асосида ёритилган тарзда узатилса ўзлаштириш жараёнида сифат даражасини ошишига олиб келади. Таълимда иложи борица визуал воситалар, слайдлар асосида ўқитишни ташкил этилиши аниқ, мавҳумликларсиз, мавжуд билимлар билан боғланган мустаҳкам тасаввурлар тизимида ўрин олган тушунчаларни ҳосил бўлишига олиб келади.

Интерфаол усуллардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш ҳам шахс фаоллигини таъминловчи, ўзига нисбатан талабчанликни оширувчи, бевосита ўзини вазиятни фаол иштирокчиси сифатида эркин идрок қилишига, мавжуд нуқсон ва камчиликларини тўғрилашига таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бунда эса таълимни мультимедиа кўринишида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Таълимда қанчалик мураккаб билиш жараёнларини иштироки талаб этилишига эришилса, талаба шахсини яширин бўлган ички имкониятлари, қобилият қирралари намоён бўлади. Бевосита таълим жараёнида талаба ўзи ҳам таълим мазмунини ёритувчи сифатида фаоллик кўрсатиши, муаммони ифодалашда изланиши ўзлаштириш даражасини юқори савияга кўтарилишига олиб келади.

Талаба шахсини баркамол маънавий-руҳий олами мукамаллилигини, теран интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, етук камолот эгаси қилиб тарбиялаш аввало таълим жараёнида белгиланадиган аниқ мақсадлар билан баҳоланади. Тараққиёт сари юз тутиб бораётган бугунги ахборотлар асри эртанги кун ёшларидан турли муаммоли вазиятларда ўзини-ўзи тўғри баҳолай оладиган, мустақил фикрига эга бўлган, ақлий ва руҳий имкониятларидан юксак саъйи-ҳаракатлар йўлида фойдалана оладиган ижобий хусусиятлар соҳиби бўлишни тақозо этмоқда. Бу эса тўғри ташкил этилган таъсирчан, инновацион таълим ҳамда ўқитиш жараёнида таркиб топиб борадиган инсоний сифатлар, ахлоқий хусусиятлар, кўникмага айланиб борадиган ижодий фаоллик даражаси билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Э. Ғозиев Мулоқот психологияси. Т.: Университет, 2000 й
2. Б. Хусанов, В. Ғуломов Муомала маданияти Дарслик – Т.: “Иқтисод – Молия” 2009 йил
3. Ж. Хасанбоев, Н. Ғайбуллаев “Педагогика” Дарслик - Т.: “Ўқитувчи” нашриёти 2011й
4. А. Холиқов “ Педагогик маҳорат” Дарслик - Т. “Ўқитувчи” нашриёти 2011 й.

27.	Каримова М.А., Холдарова М. Юкори малакали кадрлар тайёрлашда геймификациянинг мотивация тамойили	62
28.	Бердикулова М. Талабалар таълим сифатини таъминлашда таълим технологияларининг ўрни	65
29.	Нажимидинова Д. Ғ., Ғаниев Х. Ё. Оилада таълимнинг ўрни ва ижтимоий-иқтисодий тизимнинг шаклланиши	67
30.	Нажимидинова Д. Ғ., Шукиралиев М.Ш. Таълимни рижланишида Шарқ мутафакрларининг фалсафий қарашлари.	71
31.	Пулатова О.Х., Камолдинов Б. Талабаларда миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини сингдириш	74
32.	Пулатова О.Х., Мухаммаджонов М. Педагогик фаолиятда ёшларнинг мулоқот психологиясини шакллантириш масалалари	76
33.	Пулатова О.Х., Salohiddinova M. Yoshlar ongiga mafkuraviy immunitet tushunchasini singdirishning psixologik omillari	78
34.	Пулатова О.Х. Ёшларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг асосий масалалари	79
35.	Xidoyatova N. Sh. Features of using interactive lectures in teaching economic sciences	83
36.	Митрушова М. Л. Организация практики студентов в вузе с учетом требований работодателей	85
37.	Mirzakarimova M. M. Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning pedagogik-psixologik xususiyatlari	86
38.	Xafiziddinova M. XXI asr jahon ta'limi tizimi	89
39.	Asqarova G. Maktabga tayyorlov yoshidagi bolalarning ijodiy tasavvurini rivojlantirish. maktabgacha yoshdagi bolalarda ijodiy tasavvurini rivojlantirishda oilaning o'rni	91
40.	To'lanov M. Hakimova D. Boburning "boburnoma" asarida ayol shaxsiyatiga yuksak e'tibor berilganligi masalalari	94
41.	Ахунов М. А. Ахмаджонов С. Ёшларда замонавий иқтисодий тафаккурни ривожлантириш масалалари	96
42.	Usmonova Sh. G. Different types of public speaking and its benefits for students	99
43.	Rakhmonova D. S., Ibragimov O. Methods for the development and assessment of creative thinking skills in students	102
44.	Илхомов А. И. Танқидий фикрлаш кўникмасини ривожлантириш – креатив қобилиятнинг асоси сифатида	104
45.	Мадмарова М. Б. Креатив фаолликни оширишда янги ғояларни шакллантиришнинг асосий усуллари	106
46.	Камбарова Д. Таълим сифатини ошириш самарадорлиги	108
47.	Jo'rayeva N., Xaydarov S. Kredit-modul tizimidan foydalanishning amaliy qimmatli oliy ta'limda	110
48.	Oxunov I. A., Qosimova S. Maktabgacha ta'limda ekologik ta'lim va madaniyatni tarbiyalashning ilmiy-metodologik va didaktik tamoyillari	112
49.	Oxunov I. A., Ne'matjonova G. A. Ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qiluvchi omillar	114
50.	Sirojiddinova S.M. Sog'lom bo'lishga jismoniy va ruhiy jihatdan kamol topishga yo'naltirilgan ko'nikma va malakalarni shakllantirish	116
51.	Касымова Н.Д., Шухратбеков Б. Формирование личности дошкольников на игровую деятельность	119
52.	Kasimova N. D., Umarova Z. A., Usmanova Sh. I. Yosh o'qituvchilar va talabalarda komplainsni shakllantirish va unga aloqador fenomenlarni amaliyotga tatbiq etish.	121